



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

6884 -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Матниёзов Ганжанинг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Боғистон” маҳалласида яшовчи фуқаро Матниёзов Хажибойнинг мархум отаси Матниёзов Ганжанинг “Боғистон” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 16 февралдаги ШЯ-М-606-сонли аризасини, “Боғистон” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 февралдаги 417-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Боғистон” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 85,69 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 126,57 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 212,26 квадрат метр, қурилиш ости майдони 288,88 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Матниёзов Ганжага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Матниёзов Ганжанинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Матниёзов Ганжанинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев